

## АЛОҲИДА ЭҲТИЁЖГА МУҲТОЖ БОЛАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ДМТТ ЖАРАЁНИДА БОШҚАРИШ

Навоий вилояти

**Хомидова Нилуфар Бакировна**

“Нилуфар” номли ОНМТТ рахбари

**Аннотация:** Мазкур мақолада алоҳида эҳтиёжга муҳтож болалар фаолияти давлат мактабгача таълим ташкилотлари жараёнида қандай бошқарилиши ҳақида сўз юритилади. Унда инклюзив таълим тамойиллари, педагогик ҳамкорлик, индивидуал ёндашув ва махсус методлардан фойдаланишнинг аҳамияти ёритилган.

**Калит сўзлар:** алоҳида эҳтиёжга муҳтож бола, инклюзив таълим, ДМТТ, бошқарув, дефектолог, индивидуал ёндашув.

### Кириш

Бугунги кунда таълим соҳасида инклюзив ёндашувни ривожлантириш муҳим масалалардан биридир. Чунки жамиятимизда алоҳида эҳтиёжга муҳтож болалар (АЭМБ) ҳам ўз тенгдошлари қатори сифатли таълим ва тарбияга ҳақлидир. ДМТТ жараёнида бу болалар фаолиятини бошқариш орқали уларнинг шахсий ривожланиши, ижтимоийлашуви ҳамда жамиятга мослашуви таъминланади.

### Асосий қисм

Бундай болалар асосан ўзини қобилиятини намоиш қилишга қийналишади. Уларни яқка ҳолда ишлаш орқали ўз қобилиятини намоиш этишга эришишимиз мумкин. Болаларни асосан эрталаб қабул жараёнида таълим ташкилотига кириб келгандан ўзини тутиши кайфиятига эътибор берган ҳолда муомала қилиш ва тарбияланувчи билан қизиқарли мавзуда суҳбат ўтказиш орқали кайфиятини кўтариш керак. Асосан, бола қизиқадиган эртак қаҳрамонлари ёки у севиб ўйнайдиган ўйинчоқ мавзусида суҳбат ўтказилса, бу болани руҳиятига етарли даражада тасир этади.



Бундай болаларни мажбуран бирор машғулотга жалб этиб бўлмайди акс холда бола жаҳлдор инжиқ бўлади ва таълим ташкилотига келишни истамайди болани қалбига йўл топиш тарбиячининг маҳоратига боғлиқ ҳозирги таълим сифати жадал ривожланаётган даврда болаларга асосан ўйинлар орқали қалбига кириб борилади.

Ҳар бир жараён ҳатто машғулотлар ҳам ўйинлар театр сахналари болаларни севимли эртак қаҳрамонларини жонлантириш орқали олиб борилса бола тезроқ кўникма ҳосил қилади ва таълим ташкилотидаги барча билимларни мукаммал эгаллайди.

Ҳар бир тарбиячи бола билан якка тартибда иш олиб бориши бу таълим сифатини яхшилашга олиб келади таълим жараёнида албатта болани қизиқтирган мавзуларда суҳбат олиб бориш мақсадга мувофиқ мактабгача таълим ташкилотида фаолият олиб бораётган ҳар бир ходим кўп қиррали бўлиши талаб этилади, шунингдек, ҳам рассом ҳам тарбиячи ҳам энага қолаверса онасидек меҳрибон меҳридарё бўлиши шарт.



Ҳозирги вақтда асосан болаларга фақат таёр материаллардан эмас айниқса болани фикрини этиборга олган ҳолда уни тасаввуридаги қаҳрамонларни яратиш юқорида тилга олинган болаларни ички ҳиссиётларини номоён этишга катта омил бўлади. Биз тарбиячилар болалар билан қолаверса ота-оналар билан яқка ишлашимиз керак. Чунки ҳар бола келажак меваси жамиятимизни гуллаб яшнашига ҳисса қўшадиган шахс бу ерда ота -оналар билан ҳам суҳбат ҳамкорлик олиб бориш талаб этилади болани ўзини тутиши асосий негизини билишимиз керак.

#### 1. Фаолиятни бошқаришнинг зарурияти

АЭМБ кўпинча жисмоний, психологик ёки нутқий ривожланишда муайян қийинчиликларга эга бўладилар. Шунинг учун уларнинг таълим жараёнида:

индивидуал ёндашув,

махсус коррекцион методлар,

психологик қўллаб-қувватлаш,

ота-она ва педагог ҳамкорлиги алоҳида аҳамият касб этади.

#### 2. ДМТТ жараёнида бошқарув механизмлари

Масалан бола гулни кук ранга тасаввур этяпти демак ха гул кук рангда десак бола узини келажакда кузлаган мақсади сари одимлай оилишига ишонч ортади аксинча юк бу гул кизил десак болани тасаввурини улдириб қуямиз ва келажакда узи мустаккил фикр юритаолмайди унда куркув ишончсизлик каби фел атвор ривожланади

Оилавий шароити огир тасирчан болаларга асосан шундай ҳаётга дадил қарашдек фикрни уйғотиш учун уни тинглай олишимиз уни фикрини қуллаб қуватлашимиз ва ҳар бири билан алоҳида ишлашимиз шарт.

АЭМБ фаолиятини бошқариш қўйидаги йўналишларда амалга оширилади:  
Диагностика ва мониторинг: Боланинг ривожланиш даражасини аниқлаш ва натижаларни мунтазам кузатиб бориш.

Индивидуал дастур: Ҳар бир болага мослаштирилган таълим-тарбиявий режа тузиш.

Махсус методлар: арт-терапия, музикаий терапия, логопедик машқлар, қўл меҳнати, ҳаракатли ўйинлар.

Инклюзив муҳит яратиш: Гуруҳда барча болалар учун қулай шароит яратилиши, АЭМБ тенгдошлари билан биргаликда фаолият юритиши.

3. Педагог ва мутахассислар ҳамкорлиги  
ДМТТда АЭМБ фаолиятини бошқаришда:

тарбиячи,  
психолог,  
логопед,  
дефектолог,  
ота-оналар фаол ҳамкорликда ишлайди.

Уларнинг ҳамкорлиги болада ижтимоий кўникмалар, нутқий ривожланиш ва мустақил фаолият юритиш қобилиятини шакллантиради.

4. Раҳбариятнинг вазифалари

ДМТТ раҳбарияти:

махсус методик қўлланмалар асосида жараёни ташкил этади;  
педагогларни малака ошириш курсларига юборади;  
ота-оналар билан маслаҳатлар ўтказди;  
педагогик кенгашларда АЭМБ фаолияти юзасидан мунтазам муҳокамалар олиб боради.

АЭМБ фаолиятида боланинг фаоллиги турли шаклларда намоён бўлади:

ўйинларда қатнашиш,  
саволларга жавоб бериш,  
ижодий машғулотларда иштирок этиш,  
тенгдошлари билан ҳамкорлик қилиш.

Бола фаол бўлса, унда қизиқиш ва мотивация ортади, бу эса ривожланиш жараёнини тезлаштиради.

Методик ёндашувлар

Тарбиячи болалар билан ишлашда қўйидаги методлардан фойдаланади:

1. Ўйин методи – болалар учун энг қулай ва табиий фаолият тури. АЭМБ ўйин орқали нутқ, ижтимоийлашув ва моторика кўникмаларини ривожлантиради.

2. Кўргазмали метод – расмлар, предметлар, карточкалар ёрдамида тушунтириш. Бу боланинг эслаб қолишини осонлаштиради.

3. Амалий метод – расм чизиш, лой билан ишлаш, қўл меҳнати орқали боланинг ижодий ва моторика фаолиятини ривожлантириш.

4. Сухбат ва савол-жавоб – боланинг нутқини ривожлантириш, фикрлаш доирасини кенгайтириш учун қўлланади.

5. Терапия методлари – музиккий терапия, арт-терапия, релаксация машқлари боланинг ҳиссий ҳолатини барқарорлаштиради.

Тарбиячи ва бола ўртасидаги фаол мулоқот ҳамда методик ёндашувлар орқали:

*боланинг ишончи ортади,  
билим ва кўникмалар мустаҳкамланади,  
ижтимоий фаоллик шаклланади,  
бола жамоадаги ҳаётга мослашади.*

### Хулоса

Алоҳида эҳтиёжга муҳтож болалар фаолиятини ДМТТ жараёнида тўғри бошқариш уларнинг келажак ҳаёти учун муҳим замин яратади. Бу жараён орқали болаларда ижтимоий фаоллик, нутқий ва когнитив кўникмалар ривожланади, жамиятга мослашув даражаси ортади. Энг асосийси, барча болалар учун тенг имкониятлар таъминланади ва инклюзив таълим тамойиллари амалда рўёбга чиқарилади.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 29-апрелдаги “Алоҳида эҳтиёжга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ–5712-сон қарори.
2. “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. – Тошкент: Адолат, 2020.
3. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Тошкент: ТДПУ, 2021.
4. Зуннунов А., Тўхтаҳўжаева М. Мактабгача таълим педагогикаси. – Тошкент: Ношир, 2022.
5. Қодирова Ф.Р. Инклюзив таълим асослари. – Тошкент: Фан ва технология, 2021.
6. Мавлонова Р.А., Холиқова Н.Н. Умумий педагогика. – Тошкент: Ўқитувчи, 2020.
7. Вйготский Л.С. Педагогик психология. – Москва: Педагогика, 1991.
8. Дефектология: ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДПУ нашриёти, 2023.